

OILA DAVRASIDA

№ 8 (354)
2019 - yil
28-fevral
payshanba

www.od-press.uz

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

Gazeta 2012-yil may oyidan chiqa boshlagan.

ТИЛАНЧИНИНГ ТЕМИР ҚОЗОНИ

ЖАЗОЛАШ МУАММОГА ЕЧИММИ?

2-3-бетлар



- Бугун нон олишга озроқ ёрдам қиворинг?
- Укажон, пулим тугагани-да!
- Ишлаш керак, отам, ишлаш керак!!!



5-бет

ИККИ САРФЛАБ БИР ОЛАЁТГАНЛАР

Қадри йўқ ҳосилнинг қимга кераги бор?

2-бет



Миллий авиакомпаниядан

НАВРЎ ЧЕГИРМАЛАРИ

2-бет

Яна бир оворагарчилик
БЕКОР ҚИЛИНДИ

6-бет



Ўқишга йўл
ПУЛ БИЛАН (ми?)

6-бет

ДОРИЛАР
қачон арзонлашади?

8-бет



A + B = C
математик формула эмас

ИҚТИСОДИЁТ

Қайси ҳудудлар ривожланишдан ортда қолмоқда?

Президент Шавкат Мирзиёев 26 февраль куни ўтказган йиғилишда ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ортда қолаётган ҳудудлар масалалари муҳокама этилди. Бу ҳақда ЎЗА хабар берди.

Эндиликда ҳудудлар ва тармоқларни комплекс ривожлантириш, ишлаб чиқариш кучларини мутаносиб жойлаштириш Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг, тармок ва ҳудудий инвестиция дастурлари ишлаб чиқилиши ҳамда амалга оширилишини таъминлаш, корхона ва ташкилотларнинг экспорт фаолиятини мувофиқлаштириш Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг асосий вазифалари этиб белгиланди.

«Аксарият лойиҳалар инфратузилма кулай бўлган туманларга жойлаштирилиб, бошқа ҳудудлар эътибордан четда қолмаслиги керак!»

Юртимизда ўттиз иккита туманда саноатнинг улуши вилоят кўрсаткичининг 3 фоизига ҳам етмаслиги танқид қилинди. Ушбу туманларнинг географик жойлашуви, хомашё базаси, меҳнат ресурсларидан

ИҚТИБОС

Шавкат МИРЗИЁЕВ:

— Бу лойиҳалар аниқ бўлиши: неча корхона ишга тушади, қанча инфратузилма қурилади, қанча аҳоли банд бўлади, деган ҳамма саволларга жавоб бўлиши керак.

кенг фойдаланиш имкониятлари кўрсатиб ўтилди. 266 минг гектар ернинг унумдорлиги пасайиб, фойдаланишдан чиқиб кетгани қайд этилди.

Бош вазир ўринбосарлари раҳбарлигидаги ишчи гуруҳ жойларга чиқиб, ўттиз иккита туманда ҳар бир йўналиш бўйича лойиҳалар ишлаб чиқади.

ҚУЛАЙЛИК

Яна бир оворагарчилик бекор қилинди

Энди хорижда амал қиладиган ҳужжатларни тасдиқлатиш учун пойтахтга келиш шарт эмас.

Бугунги кунгача хорижий давлатларда амал қилиши учун берилган ҳужжатларни тасдиқлатиш учун фуқаролар Адлия вазирлигига, Тошкент шаҳрига келишлари зарур эди. Янги тартибга асосан бу талаб бекор қилиниб, фуқаролар ушбу ҳужжатларни тасдиқлатиш учун яшаш жойларидаги туман (шаҳар) давлат хизматлари марказларига мурожаат қилса kifoya. Бу ҳақда Адлия вазирлиги хабар берди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 15 февралдаги қарорига асосан эндиликда, давлат нотариал идоралари нотариуслари томонидан хорижий давлатларда амал қилиши учун берилган ишончнома, шартнома, гувоҳномаларни, шунингдек, ФХДЁ бўлимлари томонидан берилган гувоҳнома ва маълумотномаларни тасдиқлашда имзонинг ва ҳужжатга қўйилган муҳр ёки штампнинг ҳақиқийлигини



тасдиқлаб, махсус штамп қўйиш априор тасдиқланади.

Марказ ходимлари томонидан электрон анкета тўлдирилиб, 10 дақиқа ичида тегишлилиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоят ёки Тошкент шаҳар адлия бошқармасига юборилади. Улар эса 5 иш куни ичида ҳужжатни тасдиқлаш (априор қўйиш) бўйича қарор қабул қилади. Ҳужжатлар тасдиқланган тақдирда дарҳол давлат хизматлари марказига етказилади.

БАЙРАМ

Миллий авиакомпаниядан Наврўз чегирмалари

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси Наврўз байрами муносабати билан ички рейсларга 30 – 50 фоизли чегирмалар эълон қилди. Бу ҳақда компания матбуот хизмати хабар берди.

Байрам чегирмалари қуйидаги шахсларга тақдим этилади:

Яқка шахсларга — 30 фоиз;

Сайёҳлар гуруҳи (беш кишидан ортиқ), мактаб ўқувчилари, коллеж, лицей ва олий таълим муассасалари талабалари ҳамда махсус таълим муассасалари ўқувчилари ва тингловчилари — 40 фоиз;

Оилалар (икки кишидан — эр ва хотин, эр, хотин ва уларнинг 18 ёшгача болалари; 18 ёшгача фарзанди билан ота ёки она) — 50 фоиз;

Нафақахўрлар ва ногиронлиги бўлган шахслар — 50 фоиз;
1941–1945 йиллардаги уруш катнаш-



чилари ва уларга тенглаштирилганлар, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йиллари ордени ва медаллар билан мукофотланган шахслар — 50 фоиз;

Чернобыль АЭС фожиаси оқибатларини бартараф этишда иштирок этганлар — 50 фоиз.

ТИЛАНЧИ-

Кўрқитиш ёки



Бу ишдан ҳамма орқилади, жуда катта номус санайди.

Лекин у билан шуғулланувчилар бутун дунёда бор. Негадир турли кўринишда ва шаклда давом этаверади.

Бу — тиланчилик!

Аслида эшитганданок бир бечора инсон, ночор ва абгор холда қўлини чўзиб турган гариб кўз олдингизга келиши табиий. Уч-тўрт сўм бериб кетасиз ва шу билан уни эсдан чиқарасиз. Бир нотавонга озгина бўлса ҳам ёрдам қилдим дея хотиржам бўласиз. Аммо ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, аслида ҳам унга ёрдам бердингизми ёки уни мана шу номус ботқоқига баттар ботирдингизми? Аслида тиланчиға садақа ташлаб ўтиш жамиятда мана шундайларнинг камайишиға хизмат қиладими ёки янада кўпайишиға? Бу иш ҳаммининг наздида қаттиқ қораланганиға қарамай, нега тобора кўпайиб борапти? Тиланчилар кимлар ўзи, ҳақиқатда айни вақтда ўта ночор қолиб, шу бугун оқдан ўлмаслик учунгина қўл чўзиб турганларми ёки бу ишни бутунлай касбға айлантириб олганларми?

Қонуний жазо қандай берилади?

2019 йил 9 январда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига жамоат тартибини таъминлаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунга кўра, Жиноят кодексиға қўшимча ва ўзгартишлар киритилди. Жумладан, кодексе 127¹-моддаси билан тўлдирилди. Унга кўра, тиланчилик билан шугулланиш, унга вояға етмаган ўғил-қизларни ва ногиронларни жалб қилиш жиноий жавобгарликка сабаб бўлиши белгиланган бўлади.

Бу жаҳон амалиётида бор. Қўллаб даватлар тиланчиларни маъмурий, жиноий жавобгарликка тортиш орқали бу иллатдан қутулиш йўлини тутган. Аслида ҳам

тўғрида, тиланчилик — жамият учун хунук иллат. «Жуда унчалик эмас, тиланчилар кўчада қўл чўзиб туради, ҳеч кимни садақа беришға мажбурламайди, хохла-масангиз берманг», дейишингиз мумкин. Ҳақиқатда шундай, бу одамларнинг ҳаётиға бевосита таъсир кўрсатмаслиги мумкин. Аммо бу иллат одамларнинг тарбиясига, жамиятдаги ахлоқий меъёрларға аста-секинлик билан қатъий психологик таъсир кўрсатиши, шубҳасиз. Шунинг учун ҳам бутун дунёда бунга қарши курашилса-да, ҳали-ҳамон самарали механизм, тиланчиликка қарши муайян «вакцина» топилган эмас.

Энди қонуний чора ҳақида. Ишхонамизға яқинроқ йўлақда, ҳамаси 25 ёшлар атрофидаги бир йигитни тез-тез учратаман. У одамларнинг йўлини тўсиб, йўлқираға пул сўрайди. Ўзимға ҳам бир-неча маротаба рўбарў келган. Афтангори бинойидек, ақл-хуши жойида. Шунинг учун ҳам кўпчилик, асосан, биринчи бор унга дуч келганлар «Ҳа энди, иложсиз қолибди-да...» дея йўлқираға яраша пул бериб кетади. Яқинда яна йўлимни тўсганида дакки бердим. «Неға бу ишдан уялмайсиз, ундан кўра анави одамларға ўхшаб меҳнат қилсангиз, уч-тўрт сўм топасиз-ку», дея сариқ нимча қийиб, кўча супураётганларға ишора қилдим. Аммо у пинагини ҳам бузмади, мен сиздан қачон пул сўрадим, дея мингирлаб нари кетди. Назаримда, мана шунга ўхшаганларни қонуний жазоға тортиб, меҳнатға мажбурлан жалб этиб, маошини бериш керак. Бирок тиланчиларнинг ҳаммасини ҳам жазоға тортиб, муаммоға ечим топиш мумкинми? Аввало, ўзи бир тиланчи бўлса, уни жаримға тортиб, ўша жаримани улардан ундириб олишининг ўзи бўлади-ми? Тиланчилар у ёқда турсин, рисоладагидек ҳаёт кечириётган

НИНГ ТЕМИР ҚОЗОНИ

жазолаш билан муаммога ечим топиладими?



без бўлиши керак, назаримизда.

Шўхлик қилишга ҳаққи йўқ бола

Кўча изгирин совук. Бир танишимни кутиб турибман. Тўрт-беш ёшлар атрофидаги ўғилчасини етаклаб олган аёл ўтган-кетгандан фарзандининг хақиға у-бу нарса беришини сўраб турибди. Фарзандига ачинганлар атаганини бериб кетяпти. Секин аёлни кузата бошладим. Орадан ярим соатлар ўтгач, ўғли хархаша қила бошлади. Аёл одамлар олдида хижолат бўлди шекилли, боласини етаклаб, кўздан панарок жойга борди. Нима бўларкан деб кузатиб турсам, боғина фарзандини бахона қилиб, ўтган-кетганга олазрак термилиб, нажот кутиб турган муштипар аёл ваҳшийларча боласини дўппослай кетди. Боланинг фарёдиға чидай олмадим. Аёлнинг олдиға бориб, нега бундай қилаётганини сўрадим. Агар шу боласи бўлмаса, ҳеч ким унга садака бермаслигини айтиб, боланинг ёнини олдим. Бояғи аёл ҳеч нарса бўлмагандек, менга қаради-ла, бу ўзининг болам, хоҳласам ураман, хоҳласам йўқ, дея боласини судраганча кўздан ғойиб бўлди. Шу тобда аёлға эмас, болага ачиндим...

Моҳиятни аниқлаб, кейин ечим топсак...

Юқоридаги вазиятларнинг ҳаммаси турлича ва булар кўпчиликка таниш. Нима деб ўйлайсиз, буларнинг ҳаммасига бир хилда жарима қўллаш ёки вақтинчалик қамокка тиқиб қўйиш билан муаммо ҳал бўладими? Бировнинг ҳисобига яшашига ўрганиб қолган айрим кимсаларнинг ўзи атайлаб қамокка тушиб олади. У ёқда текнига боқишади-да... Ёки боғиғдек тиланчи чолни жазолаб, муаммони янада чигаллаштириб юбориш ҳеч гап эмас.

Рустам ЖўРАЕВ, Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси бошлиғи:

— Албатта, қонун қучга қариши билан биз дарҳол ҳамма тиланчиларни қамашга ва жавобгарликка тортишга киришмаймиз. Аввало, тушунтириш ишларини олиб борамиз ва энг муҳими тиланчилик қилишга нима мажбур қилаётганини аниқлашга ҳаракат қиламиз.

Биз бу ижтимоий муаммо бўйича доимий кузатувлар олиб борамиз ва сизларга бир нарсани таъкидламоқчиман:

тиланчиларнинг 80-90 фоизи ўзига хос профессионаллар бўлиб, уларнинг ҳеч насага муҳтожлиги йўқ. Улар тиланчиликни энгил даромад манбаига айлантириб олишган бўлиб, топаётган пуллари кўпчилигининг бир қуллиқ ўртача даромадидан кўпроқ.

Қонунчиликдаги бу ўзгаришларни танқид қилганлар ҳам, тиланчиларга ачинганлар ҳам бўлди. Лекин бундай жавобгар-

лик дунёнинг кўплаб давлатларида бор. Бизда эса фақат вояға етмаганларни тиланчиликка жалб этиш тўғрисида модала бор эди. Биз тиланчиларни бўлимларға олиб келганимиздан сўнг тушунтириш ишлари олиб бориб, чиқариб юборишга мажбур бўлардик. Улар эса ҳеч қандай жавобгарлик йўқлиғи учун дарҳол яна ўз жойларига бориб тиланчиликка киришавардилар.

Кўриниб турибди, қонунчиликка киритилган ўзгаришни амалға оширишнинг аниқ механизми хали йўқ. Қолаверса, улар жазосини олиб бўлгандан кейин-чи, ахир ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деб бежиз айтишмаган. Бу масала ҳам очик қолмоқда. Буни ўша худуд ҳокимлигидан тортиб, депутатларни, бандлик маркази вакилларига чукурроқ ўйлаб кўришлари керак эмасми?

Қонун чиққандан кейин уни бажариш керак, тамойилиға амал қилиндими, харқалай яқинда Қўйлик дехкон бозори атрофида «тиланчилар ови» бўлди. Бориб кўрдик, ички ишлар ходими ки-йимидоғилар асосан тиланчилик қилиб турганларни хайдаш, бу ерда турмаслик ҳақида қаттиқ огоҳлантириш, ички ишлар бўлимиға олиб кетиш, қўрқитиш билан шуғулланишяпти. Майли,



бу уларнинг қонуний қорасидир, аммо ўша ерда туман хотин-қизлар қўмитаси вакиллари (тиланчиларнинг аксарияти аёллар ва вояға етмаган болалар), хар тадбирда кўплаб бўш иш ўринларини тақлиф этаётган бандликка қўмақлашувчи марказ мутасаддилари ёки бирор ҳокимлик вакилларидан ҳеч қимни учратмадик.

Авалло, инсон деб қарайлик

Биз тиланчиларни оқлаш ёки уларға қарши қонуний чора қўрувчилар ишидан айб қилириш фикридан бутунлай йироқмиз. Тиланчилик жамият учун ўта хунук ва ёмон иллат экани, шубҳасиз. Тиланчилик инсонларни дангасаликка, маънавий қашшоқлик ботқоғига ботиради. Мамлакат киёфаси ҳамда обрў-эътиборига салбий таъсир қўрсатади. Ички ва ташқи туризмнинг ривожланишиға тўсқинлик қилади. Қолаверса, бу иш динимизда ҳам қаттиқ қораланган.

Маъмуржон ЭРКАЕВ, исломшунос

— Ислому шариатида жорий қилинган барча тоат ва ибодатлар инсоннинг маънавий камолотини таъминлашға қаратилгандир. Боқувчиси бўлмаган, бошқа иш қўлидан келмайдиган ночор инсон-

лар тиланчилик қилиши мумкин, аммо унинг ҳам чегараси бор. Яъни, бу меъёр — бир кунлик ейиш-ичиш эҳтиёжини топуғна қадар бўлган вақт. Ундан ортнги харом саналади.

Ўзини майиб-мажруҳ ҳолда кўрсатиб, гадоий, тиланчи киёфасига солиш ҳам айни товлама-чиликнинг бир тури. Динимиз бундан қатъий қайтаради.

Қуръони каримда Аллоҳ таоло садака олишға ҳақли бўлган кишиларни баён қилган: «Албатта, садақаларни фақат фақирлар, мискинлар, унда (садақа ишида) ишловчилар, диллари ошно қилувчи (кофир)лар, (пул тўлаб овоз этилувчи) қулла, қарздорларға ва Аллоҳ йўлида ҳамда йўловчиға (мусофирға бериш) Аллоҳ (томо-ни)дан фарз этилди. Аллоҳ илми ва ҳикматиға зотдир» (Тавба сураси, 60-оят).

Шариатимизда тиланчи отда келса, ҳатто қўлида тилласи бўлса ҳам садака беришға тарғиб қилинади. Бунинг учун саховатли инсон савоб олаверади. Аммо садака сўраган кишининг фирибгарлиғи, аллаб, одамларнинг пулини еяётгани аён бўлса, унга бермаслик керак. Сабаби, бу орқали у текинхўрлик, дангасаликка ўрганиб қолади.

Дангасалик, ишёқмаслик, текинхўрлик булар — мусулмон кишиға ёт ҳолат. Динимиз ялқовлик, бироваға қарам бўлишдан буткул қайтаради.

Демак, садака беришдек савоб ишимиз ҳам қимнидир дангаса ва текинхўрға айлантириб қўйишдан эҳтиёт бўлишимиз керак экан. Садакани, аввало, шунга муҳтожларға бериш ёки бир инсонни ўз меҳнати билан ҳалол лўкма топишға ўргатиш энг муҳим жиҳат саналади. Юқориде айтганимиз, тиланчиликка ҳам ёрқасига жазолаш билан қарши курашмасдан, вазият чукурроқ тахлил қилинса, чиндан муаммомаси бор инсонларға тегишли мутасаддилар иштирокида ёрдам кўрсатилса, муаммонинг ечим топиши ҳам осон кечади тизингча.

...Оёқ қимимини таъмирлаш мақсадида пойабзал тузатиш устaxonасига қирдим. Икки оёғи йўқ, қирқ ёшлардағи эркак ногиронлар аравачасида ўтириб қимнингдир туфлисини таъмирляпти. Бироз ишини кузатиб туриб, унга мақсадимни айтдим. Менга қаради, турибди-ю, лекин мени тушунмапти. Кейин билсам, Яратган уни нафақат, оёғидан, балки тил-забондан, эшитиш қобилиятидан ҳам маҳрум қилган экан. Муздайимини бир амаллаб тушунтирдим. У кутиб туришга ишора қилди. Устанинг ишини анча кўзатдим. Хаёлимдан ўша ҳамниша йўлимда учрайдиган тўрт мучаси соғ, тоғни урса, толкон қилгудек хайбати бор йигит, кўча-кўйда гўёки «пулини йўқотиб қўйганидан ночор аҳволга тушиб қолган»лар ўтди. Инсондағи гурур ва андиша нақадар буюк ҳислат эканиға амин бўлдим.

Гулмонжон МИРАХМЕДОВ,
«Оила даврасида» муҳбири

одамлардан ишлатган электр энергияси тўловини ундириб олиш қатта муаммо бўлиб турган бир пайтда-я. Йўқ, бизнингча буни амалға ошириш механизми ҳам, қутилаётган натижаси ҳам бутунлай самарасиз. Бу билан тиланчиликка барҳам бериш даргумон. Мисол учун...

«Ўзимдан уялиб кетаман»

Хар тонг ишға келарканман Буюк ипак йўли метро бекати атрофида бир отахонга дуч келаман. Етмиш ёшлар атрофидағи қария йўлак четида ўтириб, ўтган-кетгандан нажот излайди. Ажабланирлиси, отахоннинг ёнида ҳамниша будильник соат бўлади. Хар сафар у билан суҳбатлашишға чоғланаман-у, лекин журъятим етмайди...

Охири бўлмади, бундан беш-олти ой илгари гаплашишға жазм қилдим.

— Ўзим иккинчи гуруҳ ногирониман, — дея гап бошлади қария. — Битта-ю битта қизим бор. Афсуски, унинг кўзи кўрмайди. Дориларини ўз вақтида беришим керак. Шу боис ташқарига чиқсам, ўзим билан будильник олиб юраман. Нафақа пули рўзгорға, дори-дармонға баъзан етати, баъзан йўқ. Шу боис гоҳ-гоҳида кўчаға чиқиб, тиланчилик қилишға тўғри келади.

Қизим иккимизға етадиган бир кунлик егуликка пул ишласам киёф. Очиги, бу ишни қилишдан қаттиқ азобланаман.

Шу аҳволға тушиб қоламан деб, ҳеч ўйламагандим. Ишонсангиз бировдан садака сўрашдан ортик азоб йўқ мен учун. Раҳм қилиб, садака бераётганларнинг кўзига тик қаролмайман,

хатто. Қўлимдан бошқа иш келганда эди...

Шу тобда мажбурлигидан шу ишни қилаётган ва бу қилмишидан қаттиқ азоб чекаётган отахонга нима дейишни ҳам билмадим. Ортик хижолатға қўймаслик мақсадида ундан узоқлашарканман, хаёлга чўмдим.

Отахон-ку бу ишға мажбурлигидан қўл урган. Лекин тўрт мучаси соғ, айни тоғни толкон қиладиган ёшда тиланчилик билан шуғулланаётган «орқаюларни (агар уларни шундай аташ тўғри бўлса) қандай тушуниш мумкин?

Ҳамма нарсаси бор тиланчи

Бир йигит моддий ёрдам сўраб қолди. Айтишича, ёнидағи пуллариини ўғирлағиб қўйибди. Ақсига олиб, телефонининг ҳам маблағи туғабди. Шу боис унга уйиға етиб олиши учун ўн минг сўм пул бериб туришимни сўради. Кўринишидан алдаётганға ўхшамайди. Уст-бошидағи ки-йимлари меникдан анча қиммат турса керак. Қўлида қандайдир машинанинг пульти. Бироз иккиликаниб турганимни фаҳмлаган йигит дарҳол қўл телефонидағи оиласи, фарзандининг суратини кўрсатди. Агар унга шу пулни бериб турсам, эртаси куни телефон рақамимға ташлаб юборишини айтгач, ноилжоз рози бўлдим ва сўраган пулни бердим. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмади ҳамки шундай ортимға қарасам, у бошқа бир йўловчиға ҳам худди менга айтган гапларини қайтаряпти...

Хўш, бу қабиларни бунга қим ёки нима мажбур қилмоқда? Нахотки, ўзбек ўғлонларининг белидан белбоғи тушиб қолган бўлса? Тўрт мучаси соғлом бўла туриб, шу ишни қилиш учун йигит киши ҳеч қандай сўз билан таърифлаб бўлмайдиган даражада



Қадамлар дадил — марралар юксак

Юртимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг пухта билим олиши ва истеъдодини юзага чиқариш учун етарли барча шарт-шароит муҳайё этилган. Қулай имкониятларга эга ва замон талабларига жавоб берадиган таълим масканлари эса йигит-қизларнинг эзгу орзуларини амалга оширишда алоҳида аҳамиятга эгадир. Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университети ҳам эртаман эгалари бўлган ёшларга чуқур билим ва илм сирларидан сабоқ бераётган замонавий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади.

88 ёшли даргоҳ

Мамлакатимиздаги кўзга кўринган кўхна университетлардан бир саналган мазкур олий таълим даргоҳига тамал тоши 1931 йилда қўйилган. Дастлаб Фаргона педагогика институти филиали, 1939 йилда ўқитувчилар институти, 1953 йилдан Андижон давлат педагогика институти, сўнгра мустақилликнинг илк йиллари, яъни 1992 йилнинг 28 февраль санасида университет мақоми берилган.



Айни пайтда биология фанлари доктори, профессор Акрамжон Юлдашев раҳбарлик қилиб келаётган бу даргоҳда 9 та факультетда 30 та бакалаврият йўналиши кундузги таълим шаклида 7200 нафардан зиёд талаба, 18 та магистратура мутахассислигида 160 дан ортиқ магистрант, шунингдек, 12 та сиртки ва махсус сиртки таълим йўналишида 2600 нафарга яқин йигит-қиз тахсил олмақда. Уларга 1 нафар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси академиги, 38 нафар фан доктори, 27 нафар фалсафа доктори (PhD), 145 нафар фан номзоди ҳамда 13 нафар спорт устаси таълим бермоқда.

Университет ахборот-ресурс марказида 470 мингдан ортиқ ўқув, илмий, бадиий адабиёт мавжуд бўлиб, профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг билим олишлари, фан билан шугулланишлари учун етарли шарт-шароит яратилган. Бу ерда халқаро илмий-техник базалардан бепул фойдаланиш имконияти ҳам мавжуд. Шунингдек, илмий янгиликларни тез ва сифатли олишни таъминлаш мақсадида талабалар учун университет худудида бепул WiFi зона ташкил этилган.

Ўтган йил давомида университет профессор-ўқитувчилари томонидан республика миқёсидаги 2 та дарслик, 21 та ўқув қўлланма, 6 та монография, 14 та услубий қўлланма, 40 дан ортиқ илмий мақола (юзга яқин хорижий журналларда), мингта яқин тезислар эса республика ва хорижий нашрларда chop этилди.

Бугунги кунда университет олти ўқув биносидagi аудиториялар сони 252 тани ташкил этиб, улар 6600 нафар ёшларга мўлжалланган. Бундан ташқари, 27 та компьютер, 9 та лингвон, 22 та ўқув-илмий талқинот хонаси, «Қайта тикланувчи энергия манбалари», биология, кимё, физика лабораторияларида талабаларнинг сифатли ва замон талаблари асосида таълим олишлари учун барча шароит яратилган.

Таълим сифати

Университетда таълим сифати, профессор-ўқитувчилар салоҳиятини ошириш, таълим мазмунини яхшилаш, ўқув жараёнини бошқаришнинг автоматлаштириш ва бошқа соҳаларда қатор ютуқлар қайд этилди. Аввало, талабалар қабул квоталари



20 фоизга ошди. Қўшимча равишда сиртки таълим шаклига тўққизта бакалаврият таълим йўналиши бўйича талабалар қабул қилинди. Кундузги таълим шаклида учта бакалаврият таълим йўналиши (механика, физика ва астрономия ўқитиш методикаси, архившунослик) ҳамда тўртта магистратура мутахассислиги (лингвистика (ўзбек тили), таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (мактабгача таълим), таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (бошланғич таълим), қайта тикланувчи энергия манбалари ва барқарор аτροφ-мухит физикаси янги очилди. Шунингдек, 2019 йил бошида ўқиш муддати камида уч йил бўлган мактабгача таълим бакалаврият йўналиши ташкил этилиб, чет эл фуқароларини бакалавриятга қабул қилиш квоталаридан ташқари суҳбат асосида тест синовларисиз ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди.

2018-2019 ўқув йилидан бошлаб университет профессор-ўқитувчиларининг вақтини ўқув жараёнига хос бўлмаган ишларга сарфлашнинг олдини олиш ҳамда уларни талабалар билан кўпроқ ишлашга йўналтириш мақсадида ҳар бир факультетда «устоз-шогирд» тизими жорий этилди. Университетда кадрларни мақсадли тайёр-

лашни йўлга қўйиш ҳамда илмий-педагогик кадрлар салоҳиятини ошириш мақсадида физика, математика, кимё ва биология таълим йўналишининг 2- ва 3-босқич талабалари орасидан 33 нафар иктидориллари саралаб олинди, улар бир семестр давомида Ўзбекистон Миллий университетидида ўқиб кайтдилар.

Университетнинг ўндан ортиқ профессор-ўқитувчилари хорижий мамлакатлар олий таълим муассасаларига малака ошириш курсларига юборилди. Жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилиб, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илгор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материаллари кенг жорий қилинмоқда. Ўқув-педагогик фаолиятга ҳамда малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимлар жалб этиляпти. Хусусан, тегишли таълим йўналишлари талабаларига Италиянинг Пиза университети профессори Мишел Пагано, Кемерово давлат университети профессори Ю.Степанов, Уфа нефть-техника университети профессори, физика-математика фанлари доктори Н.Рахимов, Индиана (АҚШ) университетининг Марказий Осиё мамлакатларини ўрганиш департаменти профессори Назиф Шаҳрани, Москва давлат ветеринария, медицина ва биотехнология академияси профессори, кимё фанлари доктори С.Зайцевлар замонавий фан ютуқлари ва муаммоларига



бағишланган дарс машғулотларини олиб борилад. Жорий ўқув йилида йигирмага яқин давлатдан 73 нафар юқори малакали хорижий олимлар, ўқитувчи ва мутахассисларни ўқув жараёнига кенг жалб қилиш режалаштирилган.

Ютуқлар шодаси

Ўтган 2018 йил билим даргоҳи жамоаси ҳаёти ва фаолиятида катта ўзгаришларга бой бўлди. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар турли кўрик-танловларда иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритдилар, давлатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлилар. Жумладан, немиш тили ва адабиёти кафедрасининг профессори Мухторхон Умархўжаев «Дўстлик» ордени, ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори Шоҳидохон Шаҳобиддинова

«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси» фахрий унвони, жисмоний маданият ва спорт факультетининг декани Б.Носиров «Жисмоний тарбия ва спорт алоҳисиси» кўкрак нишони, рус тили ва адабиёти кафедрасининг катта ўқитувчиси М.Темирова атоқли киргиз адаби Чингиз Айтматовнинг ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилишдаги хизматлари учун «Чингиз авлоди» кўкрак нишони билан тақдирланди. Жаҳон тарихи кафедрасининг катта ўқитувчиси Е.С.Семёнова эса «Энг фаол депутат» танловининг Республика босқичида 3-ўрин соҳибасига айланди.

Иктидорли талабалар — Ботиржон Валиев физика фани, Сарварбек Жумаев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси фани бўйича Республика фан олимпиадасида 3-ўринни эгаллади. Математика йўналиши 3-босқич талабаси Ҳасанбой Абдусаломов математика фани бўйича Ал-Хоразмий номидаги I Халқаро Олимпиадада бронза медалини қўлга киритди. Шунингдек, бакалаврият таълим йўналишларида ўқиётган 4 нафар талаба: Мафтуна Ботирова, Дилоромхон Исманова Навоий номидаги давлат стипендияси, Абдухалил Эралиев Мирзо Улугбек номидаги давлат стипендияси, Сарварбек Жумаев Ислон Каримов номидаги давлат стипендияси соҳиби бўлишди. Жисмоний маданият факультети талабаси Дилрабохон Аҳмедова Зулфия номидаги давлат мукофоти, худди шу факультетнинг 2-курс талабаси, бокс бўйича қўлаб халқаро ва Осиё ўйинлари ғолиби Икболжон Холдаров эса «Мард ўлгон» давлат мукофоти соҳиби бўлиш бахтига эришдилар. Хорижий тиллар факультетининг 2-курс талабаси Шаҳзодахон Юлдашева «Ислон Каримов фонди» томонидан ўтказилган ишолар танловида 3-ўринни қўлга киритди.

Университет талабаларидан ташкил топган «Андижон ёшлари» жамоаси «Тафаккур синовлари» танловининг Республика босқичида 3-ўринни, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи томонидан ўтказилган «Мега спорт» спорт мусобақларида университет талабалари умумжамоа ҳисобида мамлакат босқичида 2-ўринни эгаллади. Тадбиркор аёлларнинг «Энг яхши инновацион лойиҳаси» танловида ўқитувчилар — Ферузахон Исакова, Сайёрахон Умарова ҳамда талаба Шаҳзодахон Юлдашевнинг илмий ишлари эътироф этилди. Жисмоний маданият ва спорт йўналишида ўқиётган йигит-қизлар халқаро спорт мусобақларида 14 та, Республика мусобақларида 43 та олтин, кумуш ва бронза медалларини қўлга киритишди.

Зиёли жамоа

Университет делегацияси жорий йилнинг 28-29 январь кунлари Россия Федерацияси Мордовия давлат университетига ташир буюриб, ҳамкорлик шартномаси тузишга эришди. 2019-2020 ўқув йилидан бошлаб «Филология (рус тили ва адабиёти)» ва «Туризм» таълим йўналиши бўйича бакалавр ҳамда «Биология» ва «Менеджмент» мутахассисликлари бўйича магистратура босқичига талабалар қабул қилиш бошланади. Аҳамиятли жиҳати шундаки, ушбу йўналишлар битирувчиларига икки томонлама диплом бериш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, университет хузурида янги инновацион ўқув-илмий марказ ташкил этилди. Йил давомида тўртта халқаро (ушбу лойиҳаларнинг умумий қиймати 257 миң АҚШ долларидан зиёд), етти республика миқёсидаги таълим ва илмий грантлар асосида талқинотлар олиб борилди.

Таълим маканида профессор-ўқитувчилар ва иктидорли талабаларнинг илмий талқинотлари натижаларини тезкор chop этиш мақсадида ҳар чоракда биттадан йилга 4 дон «АДУ илмий хабарномаси» журнали, «Водийнома» ижтимоий-тарихий, илмий ва оммабоп журнали нашр этиб келиняпти.

Бир сўз билан айтганда, бугун Андижон давлат университети жамоаси ўз олдига қўйган эзгу ва юксак марраларни забт этишда бир тану бир жон бўлиб, дадил қадамлар билан одимлаб бораётир.

Миролим ИСАЖОНОВ,
Камола ОДИЛЖОНОВА

Икки сарфлаб бир олаётганлар уқувсиз дангасаларми ёки...



Томорқачиликни ривожлантириш, ҳовлидан унумли фойдаланиш ҳақида сўнги йилларда кўп айтиляпти. Одамлар орасида томорқага фалон нарса эҳсаб жуда даромадли эмиш, фалон экиннинг ҳосилидан баъзилар машина минаётганимиш, деган гаплар ҳам оралаб қолади. Айниқса, сўнги вақтларда томорқадан унумли фойдаланишга давлат даражасида эътибор кучайди. Мақсад — ер бўш турмасин, томорқа эгаси ундан унумли фойдаланиб, рўзгорини обод қилсин, ортганини бозорга олиб чиқиб, тўкин-сочинлик ва нарх барқарорлигига ҳисса қўшсин.

Албатта, бунинг аҳамиятини ҳаммамиз яхши тушунамиз. Қолаверса, одамларни меҳнатга, томорқасидан омилкорлик билан фойдаланишга ўргатиб, мамлакат миқёсида катта натижаларга эришиш мумкин. Бироқ масаланинг бошқа айрим жиҳатлари ҳам борки, бу соҳа изчил ривожланиб кетмаяпти. Нега томорқачиликни ривожлантириш ҳақида катта-катта дастурлар чиқяпти, ҳисоботлар тайёрланипти, уч-тўртта тажрибали томорқачидан бошқаларнинг ери ҳамон бўш қолмоқда? Бу ерда айб фақат «дангаса» томорқачидами ёки бошқа жиҳатлар ҳам борми?

«Қатағон»га учраган беда

Ўтган йили кузда қишлоққа борсам, укам ховлини тўдрилиб беда экибди. Меҳнатидан қочиб бошқа экин экмадингми, ёшлигимизда шу ховлида картошка, помидор, бодринг, баклажон, сабзи, шолғом... хуллас, бир рўзгорга етадиган ҳамма нарса бўларди-ку, дея норози бўлиб гапирдим. Жим туриб эшитган укам бироздан кейин, ҳозир бир боғ беда қанча туришини биласизми, дея сўради. Елка қисдим. Мийиғида қулди-да нари кетди. Тўғриси, мен эслаган ёшлик пайтимда ҳовлимиздан икки юз метр тепада бир арик сув оқиб турарди, уруғликдан тортиб, ерга солинадиган гўнғача ховлимиздан чиқарди. Ўтган йиллари укам уч кунлаб сув ёқалаб қийналиб кетгани, бултур онам тўрт жуяк помидор ва булгур калампири экиб, оби-тобида меҳнат қилиб, энди ҳосилга қираман деганда қанақадир қасаллик туриб, ҳаммаси нобуд бўлганини эсладим.

Ҳақиқатда, бу йил қишда бир боғ (пресс) беда нархи қанча бўлди? Ҳеч бунақаси бўлмаган: октябрда 15 минг сўмлик беда, январда 25 мингга чиқди. Бу

туман бозоридидаги нарх. Мавзунини ўрганиш жараёнида Ғаллаорол, Булунгур туманларида

қўрасидаги бир жуфт қорамолини ушлаб туриш учун ҳар ҳафта фалон сўмга сомон, беда, ем олаётганларга гувоҳ бўлдик. Ваҳоланки, улар ҳар кунни болалари учун шунча сарф-ҳаражат қилишмайди.

Сўрасангиз, иложимиз қанча, кўкка етиб олайлик, уйда оқ бўлиш керак, бола-чақанинг ризки дейишади. Бу ўтган йили бўш турган ерларга экилган беданинг ёппасига «қатағон» қилинганининг аччиқ меvasи эмасми?

Ўтган йили Ғаллаорол, Фориш каби чорвачиликка ихтисослашган туманларда ҳам одамларнинг уйдаги бедапоё буздирилиб, ўрнига саримсоқ эктирилди. Нима эмиш, у жаҳон бозорига қиммат, катта даромад берад экан.

Мамлакатимизнинг деярли ҳар бир вилоятида чорвачиликка ихтисослашган худудлар бор. Асосан, лалми ерлар. У ерларда дехқончилик қилиш кийин. Аҳоли томорқасида беда, маккажўхори етиштиришни афзал билишади. Бир мавсумда бир оила қамади ўн талаб кўзичокни интенсив семиртириб бозорга олиб чиқади. Аҳолининг гўшга бўлган талабини таъминлайди. Ҳозир бежиз эмасдир, гўшнинг нархи 50 минггача чиқиб кетгани?!

Қадри йўқ ҳосил

Жомбой бозоридан ёши 55 атрофидаги кишининг икки кўли тўла, оғиргина сумкани кўтариб чиқаётганига гувоҳ бўлдим. Бири тўла шолғом. Ўшанда ноябрь ойи охири эди. Ҳа энди, қишга ғамлаб қўяётган эканда, деб ўйладим. Кўмаклашиш баҳонасида шолғомнинг фойдали хусусиятидан гап оқдим. Аммо

суҳбатдошимнинг «ейишга эмас, молга олдим. Сувтекин, килоси 250 сўмдан...» деган гапини эшитиб, очиги, хафсалам пир бўлдим. Унинг айтишича, бу йил дехқонларнинг меҳнати барақали бўлган, ҳосил мўл. Картошка, сабзи, пиёз, шолғом дейсизми, барчаси сероб...

Ҳақиқатда, туман аҳолиси меҳнатқаш, ери унумдор. Ҳосилдорлик катта олинган.

Аммо дехқон мол эмас, одамлар есин деб ерга уруғ тиккан. Қадри йўқ ҳосилнинг кимга кераги бор? Бу фақат томорқачига зарар-ку?!

Янаям халқимиз қилган оғир меҳнатини пулга қақмайди.

— Эллик сотих томорқамизда ўн йиллардан буён сабзавот экиб, тирикчилик қиламиз, — дейди Ғаллаорол тумани Кўчарбулоқ қишлоғида яшовчи Низом Равшанов. — Рўзгорга зарур барча сабзавотлар ўзимиздан чиқади. Асосий даромадимиз саримсоқ-пиёздан. Аммо меҳнати оғирроқ. Оиламизда 4 жон — турмуш ўртоғим ва икки фарзандим билан йил бўйи шунинг қовоғига қараймиз, сув берамиз, ўтоқ қиламиз, тагини чопамиз... Саримсоқнинг бошқа сабзавотларга, яъни картошка, пиёзга нисбатан нархи доимо банд бўлган. Оддий мисол, 2017 йилда бир килограммининг салкам 9-10 мингдан соттиқанди. 2018 йилда эса катта зарар билан чиқдик.

Хўш, нега? Чунки ўтган йили бир килограмм саримсоқни 2 минг сўмга ҳам ҳеч ким сўрамади!

Ҳокимликдан келган «катта»лар четта сотамиз, нархи банд бўлади, дея ўтган йили ёппасига ҳамма томорқага саримсоқпиёз эктирди.

Баъзилар 12 мингдан ҳосилдор, «четбоп» уруғ сотиб олди. Ҳосил ҳам чакимас, Низом

аканинг ўзи 2 тонна ҳосил олди. Аммо бозорни «чеснок» босиб кетди. Оладиган одам йўқ. Ваъда қилинганидек маҳсулотни ҳеч қанақани чет ҳам «тортмади». Деярли ҳамма зарарга қуйиб қолаверди. Низом ака ҳам куз охирида килосини 800 сўмдан кўтарасига бериб юборди. Ва... бу йил саримсоқ экмади.

— Ўтган йили томорқага пиёз эдиким, — дейди Нуробод тумани Товоқбулоқ қишлоғидан Носир Салимов. — Ҳосилдорликни ошириш мақсадида пиёзни уруғидан эмас, кўчатини сотиб олиб, биттама-битта ерга қадаб чиқдик. Суғориши, ўтоқ, қимёвий дорилар бериш — буларнинг барчаси меҳнат, пулга бажарилади. Аммо бугун уни кўтарасига 500 сўмдан сўраляпти. Бу томорқачининг меҳнатига берилган баҳоми? Тўғри, бозорга бориб сотса, қимматроққа кетади. Аммо йўл, патта ва бошқа харажатлар билан деярли шунга бориб қолади. Экишдан олдин сотишни ҳам ўйлаш керак экан.

Бир ярим тонна уруғлик картошка олиб эдиким, вақтида дориларим. Аммо энди гуллаган пайтда зарарқунанда қапалак ҳосилни йўқ қилди. Сўнги йилларда юртимизда картошка етиштириш кийин бўлиб қолди. Ўтган йилдан помидор ҳам шу зарарқунандаги йўлиқиб, ҳосилни йўқ қилди.

Кўриниб турибдики, дехқон, томорқачи меҳнатни қилляпти. Аммо ҳар йили ҳокимликдан келиб, фалон нарсага экасан, даромади зўр бўлади, деб ақл



бўлиб турган «катта»лар негадир ҳосил олиниб, сотишга келганда кўринмай қоляпти. Томорқачи дардини кенгашдан тортиб, туман мутасаддиларигача — ҳеч ким тинглаётгани йўқ.

«Нўхатполвон»лар эришган ҳақиқат

Юртимиз аҳолиси бир йилда қанча нўхат истеъмол қилади? Қанча худудда нўхат етиштирилади? Тегишли мутасадди ташкилотларда шу каби саволларга жавоб бўлганда эди, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларидаги нўхат етиштирувчи дехқонлар ёппасига катта зарарга қирмасиди...

Ғаллаорол тумани, асосан, лалми ердан иборат. Дехқонлар буғдой, арпа, нўхат, махсар етиштириш билан шуғулланади.

— Ўтган йил кузги арпа ва буғдойни эрта баҳорда ёққан қор ва қаттиқ совуқ уриб кетди, — дейди туманнинг Гумсой қишлоғидан Шуҳрат Абдуллаев. — Оқибатда майса жуда сийрак

чиқди. Техника солишга ҳам арзимасди. Бундан ташқари, ҳокимиятдан ҳам нўхат экишни айтишди. Хуллас, атрофдаги қишлоқ аҳолисининг деярли барчаси нўхат экди. Фермердан ижарага ер олиб эккани қанча-ю, катта даромаднинг кўзлаб қарз олгани қанча. Мен ҳам 4 гектарга нўхат эдиким. Уч миллион сўмдан зиёдга уруғ олдим. Бунга яна ерни хайдаш, экиш, ёнилғи харажати қўшилди. Ҳосилни йиғиш, янчиштиш, совириш, ташвиш, тозалатиш — буларнинг ҳаммаси пул. 4 гектар учун 9 миллион харажат қилинди. 1,6 тонна ҳосил олинди (*Емгир бўлмаганидан умуман ҳосил олмаганлар қанча*). Бугун кўтарасига нўхат нархи беш минг сўм. Агар шунчадан пулланса, бу саккиз миллион дегани...

Туман бўйича деярли барча зарар кўрган. Сабаби оддий — бозор талабини ҳеч ким билмайди. На дехқон, на мутасадди масъул. Четта сотишни-ку, гапирмаса ҳам бўлади.

Маркетинг

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, бугун томорқачилик рўзгорининг асосий даромад манбаига айланмас экан ер бўш қолаверади.


Томорқадан юқори ҳосил олиб, яхши нархга пулласизгина ҳаммамиз ҳамма бу ишга рағбати кучайди. Зарарига ишлаб, маҳсулотини сота олма-чи? Унда ерни бўш қолдирса-да, пул топишинг бошқа йўллари қидиришга мажбур бўлади. Ёки хорижга ишга кетади. Ахир, фақат рўзгори учун бир йил дехқончилик қилишининг ўзи бўлмайди.

Демак, бу ерда ҳамма гап томорқада экиладиган маҳсулотларни тўғри тақсимлаш — ерни хайдашдан тортиб, уруғлик, озуқа, ҳосилни йиғиштириш ва энг муҳими, дехқонни хурсанд қиладиган нархда сотишгача бўлган жараёни тўғри ташкил этишда. Фалон маҳсулот катта даромад берад экан, дея ёппасига ҳаммага шунини эктириб, кампаниябозлик қилиш билан ҳеч қандай натижага эришиб бўлмайди. Айнан маркетинг йўлга қўйилгани бозорда нархларнинг кескин «ўйнаб» кетишига, муайян маҳсулот нархи бир йил осмонга қўтарилиб, кейинги йил сувтекин бўлиб қолишига сабаб бўляпти. Бундан эса фақат томорқачи зарар кўряпти, бир йиллик пешона терига қуйиб қоляпти.

Томорқачига кредит беришдаги муаммолар, мақсадсиз сарфланаётган мақсадли кредитлар, томорқаси бўш туриб, помидор бодринг, мева сабзавотни бозордан сотиб олаётганлар ҳақида кейинги мақоламизда тўхталамиз.

Энди фақат пул тўлаганлар ва... билимлилар ўқишга киради (ми?)

Бугун олий таълимни тамомлаб ишга келган ёш кадрларнинг билимсиз ва жуда «хом» экани кўп соҳаларда баралла айтиляпти. Таълим тизими вакиллари эса бунга қинғир йўллар билан ўқишга кириб, шу аҳволда битираётганларни сабаб қилиб кўрсатишади. Бир томондан бу гапларда жон бор. Қўл билан тутиб кўрсатишнинг иложи бўлмаса-да, кимлардир ўзининг, яна кимлардир эса «бирров»ларнинг калласи билан ўқишга кираётгани аниқ ҳақиқат. «Бункер», «ректор группа», «паравоз»ларнинг кўпи қўлга тушиб қонун олдида ҳам жавоб берди.



— Тест
топириши
пулли бўлса ҳам,
имтиҳон мен
учун доимо
байрам!

Ўтган йиллардан фаркли равишда 2018/2019 ўқув йилида олий ўқув юртлиқига ўқишга кириш бирмунча адолатли, ошқора ва холис бўлгани айтилмоқда. Ҳарқалай, осмонга чиқиб кетган баллар ерга тушганини кўриб, йиллар давомида кучли тайёрланиб, «йиқилиб-йиқилиб» ўтган йили ўқишга кирганларни эшитиб бунга ишониш мумкин. Аммо адолатни таъминлаш йўлидаги муаммолар йўқ эмас. Биргина Самарқанд вилоятида олий ўқув юртида ота-оналар ўз фарзандларини имтиҳон топиришини онлайн кузатиб бориши учун қўйилган монитор «тўсатдан» ишламай қолгани анча-мунча норозиликка сабаб бўлди.

Жорий йилнинг 15 февраль кунин «Олий таълим муассасаларига тест синовлари орқали қабул қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги

қарор лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасига тақдим этиш учун regulation.gov.uz сайтига жойлаштирилган эди. Мазкур лойиҳа мазмун-моҳияти билан яқиндан таништириш ва билдирилаётган фикр ва таклифларга муносабат билдириш мақсадида Давлат тест маркази (ДТМ) раҳбарияти Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида журналистлар саволларига жавоб берди.

— Мазкур ҳужжат лойиҳаси тест синовлари очик-ошқора, адолатли ўқишга қанчалик аҳамиятли?

— 2019-2020 ўқув йили қабулида ўтган йилда ўтказилган тест жараёнлари, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари фикр-мулоҳазаларини инобатга олиб ҳамда Япония, Жанубий Корея, Туркия, Россия Федерацияси ва бошқа хорижий давлатлар тажрибаси чуқур таҳлил қили-

ниб, тест синовларида қўллаш мумкин бўлган таклифлар инобатга олинган, — дейди Давлат тест маркази раҳбари Мажид КАРИМОВ. — Шунингдек, тест жараёнларини соддалаштириш, абитуриентларга қулайликлар яратиш кўзда тутилган.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасида қуйидаги янгилликлар киритилган:

Биринчидан, абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари томонидан ортикча оворагарчилик ва харажатларнинг олдини олиш мақсадида уларнинг яшаб турган манзилида Давлат хизматлари марказлари орқали рўйхатга олиш, абитуриент томонидан танланаётган таълим муассасасининг жойлашган ҳудуддан қатъи назар, ўзи яшаб турган ҳудудда тест синовларида иштирок этиши кўзда тутилган.

Иккинчидан, абитуриентларнинг ўқишга кириш имкониятини янада ошириш мақса-

дида уларга бир вақтнинг ўзида учта бакалаврият таълим йўналишини танлаш ҳуқуқи берилмоқда. Шу ўринда уларга амал қилиш муддати уч йил бўлган сертификат берилади. Ундан уч йил давомида олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун фойдаланиш мумкин бўлади.

Учинчидан, жорий йилда мактаб, лицей ва коллежларни битираётганлар учун тест синовларини мулақоқа бепул, ҳар қандай тўловларсиз ўтказиш тартиби сақлаб қолинади. Шу билан бирга, ўтган йил ва ундан олдинги даврда ўқишни тугатган абитуриентлар тест синовларида иштирок этиш учун энг кам иш ҳақининг бир баробари миқдорда (ҳозирги кунда 202 миң 730 сўм) тўловни амалга ошириш тартиби таклиф қилинган.

— **Жорий йилда тест синовларида иштирок этиш истагида бўлган абитуриентлар сони 1,2-1,3 миллион нафарни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.** Демак, абитуриентлардан ундирилаётган тўлов чакана суммани ташкил этмайди. Ҳўш, нима учун абитуриентлардан тўлов йиғиш назарда тутилмоқда? Йиғилаётган маблағ нимага йўналтирилади?

— Тест синовларини ташкил этиш жуда катта кўшимча молиявий маблағ талаб этади ва абитуриентлардан тушадиган тўловлар мавжуд харажатларни тўлиқ қоплаш учун етарли деб бўлмайди. Жумладан, беш миңдан ортик гуруҳ назоратчиларига тўланадиган иш ҳақи, уларга ташкил этиладиган тушлик, тест материалларини сифатли тайёрлаш, ўз вақтида белгиланган жойларга етказиш, олиб келиш, сақлаш ва шу қабилир киради. Бу тўлов суммаси ҳали лойиҳа бўлиб, кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтгандан сўнг, билдирилаётган фикр ва таклифларга кўра, қамайтирилиши ҳам мумкин. Абитуриентлардан тушадиган маблағ тест синовларини янада сифатли ва қулай шароитларда ташкил этиш, бинолар ижара тўлови, катта қувватли

кондиционерлар, шахсни аниқловчи ва кузатув камералари, ота-оналар тест жараёнларини кузатадиган мониторлар ҳамда абитуриентларни ичимлик сув ва рўқчалар билан таъминлашга сарфланади.

— **Ушбу тўлов абитуриентлар учун тест синовларининг ҳаққоний ўтишига қанчалик қафолат бўла олади?**

— Тўловни жорий этишдан мақсад тайёргарликсиз, таваккал билан, билимсиз ва ғаразли мақсадда тестда иштирок этмоқчи бўлаётган абитуриентларни қамайтиришдир. Тест синовлари жараёнида ўзгачан ёрдам олиш ёки ёрдам бериш ҳолатлари йўқолишига олиб келади ва фақат билимдиларнинг ўқишга кириш имконияти ортади.

— **Тест синовларида бешта фан бўйича тест топириш таклифи берилляпти. Бундан кўзланган мақсад нима?**

— Бу жорий йилда эмас, кейинги ўқув йили учун ўтказиладиган тест синовларида қўлланилиши мумкин. Яъни, абитуриент учта мажбурий ва иккита ихтиёрий фандан имтиҳон топириши мумкин бўлади. Масалан, она тилидан кўшимча имтиҳон (диктант, оғзаки савол-жавоблар) топириб, керакли балл тўплай олган абитуриент она тили фанидан бўладиган тестлардан озод қилиниши ва максимал балл олиши мумкин бўлади. Йил охирига қадар бу борада аниқ маълумотлар берилади.

ДТМ раҳбариятининг маълум қилишича, абитуриентнинг баллари энди уч йилгача «қуймайди» — уларга тест синовида тўплаган баллари ҳақида сертификат берилади. Бу уч йилга қадар амал қилади. Келгуси йилларда мазкур балл кириш учун етарли бўлган тақдирда у талаба бўлиш имкониятига эга бўлади.

Буларнинг ҳаммаси лойиҳа ва кўзда тутилаётган ишлар. Натижа қандай бўлишини эса ёзда кўраемиз.

Саҳифани Бекзод НАСИМБОЕВ тайёрлади.

БИР САВОЛ

Нархлар нега арзонлашмаяпти?

Дорихоналарда нархларнинг баландлиги, бир хил дори баҳосининг катта тафовути — буларнинг ҳаммаси аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлмоқда.

2016 йил 31 октябрда Ўзбекистон Президентининг «Аҳолини дори-дармон воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлашни янада яхшилашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори қабул қилинган эди. Очғи, қўлида узундан-узок рецетп кўтариб, қайси бирида арзон экан дея дорихонама-дорихона юрганлар ҳамон учрайди. Ҳўш, ўтган вақтдан буён нима ўзгарди?

— Ўзбекистонда дори воситаларини сотиш қонун билан белгилаб қўйилган, — дейди Asia Pharm Consulting директори Ойбек ДЎСМАТОВ журналистлар билан бўлган уchrашувда. — Улгуржи савдода сотиладиган дори воситалари ўз таннархига 15 фоизгача нарх қўйиб сотиши мумкин. Чакана савдода эса 20 фоизгача нарх қўйишга ҳақли. Шу ўринда айтиш керакки, дорихоналарда нарх ўзгариб туриши дорихонага уч ой олдин ва бутун олиб қилинган бир хил номдаги маҳсулот нархида тафовут бўлишига боғлиқ. Бу ниманинг ҳисобидан деган

савол туғилади. Бу валюта курси ўзгариши, хизмат кўрсатиш ва бошқа қўшимча харажатларга боғлиқ. Мисол учун, маҳсулотнинг яроқлилик муддати охирига қолса, нарх пасайиши ёки янги олиб келинган маҳсулот эса кимматроқ бўлиши табиий.

— **Дорихонага кирган кишини фармацевт (дорихона сотувчиси) хизмати қониктирмаслик, баъзан эса истеъмолчининг препарат ҳақида берган саволларига тўлиқ жавоб бера олмаслик каби ҳолатлар кузатилади. Билими етарли бўлмаган фармацевтлар малакасини ошириш чоралари кўриляптими?**

— Бугун айрим дорихоналарда дори воситаларини яхши билмайдиган фармацевтлар фаолият кўрсатаётгани бор гап, — дейди Ўзбекистон фарм клуб уюшмаси раиси ўринбосари Эркин КАРИМОВ. — Уларнинг билим ва малакасини ошириш, миқозга юкори даражада хизмат кўрсатишни ўргатиш мақсадида малака ошириш курслари ташкил этилди. Ҳозирда бу лойиҳа Тошкент шаҳрида олиб борилмақда. Кейинчалик, барча ҳудудларда фармацевтлар малака ошириш курсида ўқитилади.

Ўзлигини излаётган одам ёхуд вақт ҳеч кимни кутиб турмайди

«Вақт таъсирини ўтказмайдиган нарсанинг ўзи қолмапти. Ҳатто асл мол ҳам унинг қошида ожиз экан...

Бундан ўттиз беш йил бурун Масковда мана шу портфелни нақ бир юз йиғирма рублга олаётганимда сотувчи: «Тоza чарм. Сизга юз йил хизмат қилиб беради. Ҳатто бир асрдан кейин ҳам янгидай туради!» – деб роса озиз кўпиртирган, ёнимда турган ўзим қатори аҳли урфоннинг айримлари эса кўрсаткич бармоқларини чаккаларига тираб айлантиришдан ўзларини тийишолмаган, баайни айтмоқчи бўлгандиларки, тентаклик ҳам эви билан-да, сичқон сигмасинига, галвир боғлар думига деганлари асли шу; аммо на илож, зоримиз бор, зўримиз йўқ, илло, наинки лириклар, балки биздек жиддий риёзиётчилар сафида ҳам ақли ноқислар учраб туриши эҳтимоллар назариясига мос ва хос...

Дарвоқе, олдиндан айтиб қўя қолай, келажак уларнинг адашганини кўрсатди. Аммо ўшанда... ўшанда кўнглим портфелга суст кетганди. Гўё шуну олсам, ичига қўлёмаларимни солсам, габаритлари улканроқ тумор янглиг маҳкам бағримга босиб юрсам бас, барча ишларим ўз-ўзидан юришиб кетадигандек...

Ёзувчи Абдуқаюм Йўлдошнинг «Пуанкаре» хикояси ана шундай умумбашарий мавзуга ўқувчи эътиборини қаратиш билан бошланади. Қалби тоза инсонларнинг ҳаммаси — ёши, жинси, irqи ва миллатидан қатъи назар, содда ва ишонувчандир. Бу хислат инсон дунёга келганидан бошлаб унга хамиша хамроҳлик қилади. Кишининг энг охирда йўқотадиган

нарсаси ҳам (агар йўқота олса) худди шу ишонч бўлса, ажаб эмас.

Адабий жараёнда Абдуқаюм Йўлдошнинг «Пуанкаре» хикояси катта кизикиш билан ўқилмоқда. Ҳикояда одам ва олам муносабати, олимлик ҳамда онла масъулияти Пуанкаре гипотезаси орқали тасвирланган.

Асар воқеаси олим йигит атрофида кечади. Оила ташвишларига

ўралашиб, Пуанкаре гипотезасини охиригача исботлашга улгурмаган олим образининг нуқтаи назари орқали хикоя сахнасида бир нечта қахрамонлар феъл-атвори, маънавий қиёфаси тасвирланади. Ҳикоядаги бундай баён усули қахрамон образининг ўз-ўзини фош этишига сабаб бўлса, иккинчидан, ёзувчининг асли мақсадини англашга туртки беради.

Шунингдек, муаллиф гоъвий-бадий ниятини хикояда портрет, қўлёма, театр лавҳалари катида тасвирлаган. Демак, хикоя воқеасининг «мен» тилидан баён этилиши, қахрамон образининг нуқтаи назари биринчи сатҳга чиқарилиши, бадий деталлар тасвирида ёзувчининг бадий мақсади акс этиши каби уч омил хикояни тушунишда муҳим восита саналади.

Ҳикояда олим йигит қўлидан қўймай олиб юрадиган портфель қахрамон ҳаётининг рамзий ифодаси бўлса, қўлёма унинг орзу мақсадлари тимсоли сифатида хикоя воқеаларини бир нуқтага жамлайди. Аслида хикоядаги ҳар бир қахрамоннинг ўз портфели бор. Фақат портфель ичидаги қўлёма ҳар бир кишининг киматидан сўз очади. Дейлик, хикоядаги Тиркаш, устоз ва шогирд тимсолининг ҳаёт йўлини эслаш-кифоя. Қунларнинг бирида тўсат-



дан олим йигитни машина туртиб юбориши ва унинг портфелидаги қўлёмаларнинг сочилиб кетиш лавҳаси айна образининг Пуанкаре гипотезаси билан боғлиқ киматининг рамзий тасвири дейиш мумкин. «Портфелмининг аста-секин, мен билан бирга қариб бораётганини ҳам табиий жараён сифатида қабул қилишди, чоғи.

Чин сўзим, агар портфелимга муштдеккина бош битганида эди, у ҳам меники сингари қалтираб турадиган бўлиб қоларди; озгинагина забон бўлганида эди, у ҳам меникига ўхшаб тутулиб-тутулиб қоладиган одат чиқарарди...

Ҳикояда математик олимнинг атрофидаги одамларга муносабати билан бирга, устоз-шогирд

масаласи кенг тасвирланади. Орзу-мақсадига шогирди орқали эришишни ниёт қилган устоз ўз ўтмиши такрорланаётганидан ох чекади. Пуанкаре гипотезасини исботлашга бир қадам қолганда ёш йигит ҳам онла куриш мақсадида устозининг хоҳиш-истакларини рад этади. «Тарихнинг такрорланишини қаранг. Ҳарқалай, тараққиёт спиралсимон шаклда экани рост, шекилли. Биласизми, барибир тараққиёт бор. Худди шу гапларни мен ўттиз йил бурун тўйим олдиан ўзим ўзимга айтгандим, ўзим ўзимни ишонтиргандим. Сиз бўлса, менга овоз чиқариб айтасиз. Ўшанда менам Пуанкаре кутиб туради, дегандим. Пуанкаре кутиб турди, албатта, роса кутди, сабр-тоқат билан ўттиз йил кутди...»

Тез орада Санкт-Петербурглик олим Перельман қирк бир ёшида Пуанкаре гипотезасини исботлагани хақида хабар таркайди. Қиркига чидаб, қирк бирига чидай олмаган устоз-шогирд куруқ қўл билан қолади.

Ҳикояда ҳар бир одам ҳаётидаги асл гипотезани топиши ва уни тўла-тўқис исботлаш учун, аввало, ўзлигини англамоғи шарт, деган ўғитини уқтиради.

Комилжон ҲАМРАЕВ,
фалсафа доктори

РЕКЛАМА

**Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши қошидаги
«Ягона буюртмачи хизмати»
инжиниринг компанияси
жамоаси**

Юртимизнинг барча аёлларини,
онажонларни ва опа-сингилларни
яқинлашиб келаётган

8 март — Халқаро хотин-қизлар кўни
байрами билан самимий муборакбод этади!

Сизларга мустаҳкам соғлиқ ва хамиша баҳор гулларидек гўзал ва
латофатли бўлишингизни тилаймиз.

Осмонимиз мусаффо бўлиб, қалбингиз қувончу шодликка тўлсин!
Байрамингиз муборак бўлсин!

ЛУҚМА

Ҳар куни тонг сахардан ҳар бир ишчи кўлига керакли меҳнат анжомини олиб, ўз ишига шўнғиб кетади. Кимдир кўчаларни супурса, яна кимдир девордаги, ўриндиклардаги турли хил ёзувларни ўчириш билан овора. Бу жараёнда жуда оғир меҳнат ётади. Чунки уларни иш пайтида ярим буктилган ҳолатда меҳнат қилишларига кўп бора гувоҳ бўламиз.

Мана шуларни ҳисобга олган ҳолда кўчаларда, жамоат транспортидаги маданиятсизликнинг бир кўриниши бўлиб улгурган «чиroyли» қилиб битиладиган «севги тарихлари», «дўстлик»лар тўғрисида озроқ мулоҳаза қилайлик.

A+B=C

ёхуд
математикадан
холи формула

«M+X=севги», «A+Ш+B=бир умрга дўст» ва ҳоказо. Эҳ-хе, бу рўйхатни ҳали узоқ давом эттирса бўлади. Бу билан ёш «ёзувчилар» ўзларининг муҳаббати, дўстлигини бутун оммага кўз-кўз қилади. Ушбу ҳолат маданиятсизликдан бошқа нарса эмас. Аслида бир киши билан дўст тутинасизми ёки бировни сеvasизми, уни ҳаммага ошкор қилиш шарт эмас. Ўша муҳаббат ёки дўстлик кўнглингизда бўлса, бас. Уни бутун оммага ошқора қилишнинг ўзи бу дўстлиги муҳаббатнинг самимий эмаслигига, пинҳона миннат борлигига ишора-ку аслида.

Баъзан табиатнинг бебаҳо неъматини бўлган дарактларда ҳам ишқий мактубларни учратамиз. Ахир, дарактлар бизга ҳавони тозалаб беради, ўзига кераксиз моддаларни олиши билан кўплаб яхшиликлар қилади. Аммо биз бунини унутиб қўяётгандекмиз.

Яна бир томони ҳозирда биз учун узоғимизни яқин, оғиримизни енгил қилишга кўмаклашувчи жамоат транспортларида ҳам худди шундай «мактуб»ларга дуч келямиз. Транспортнинг ойнаси, ўриндиклари ҳамма томони «изҳор»лар билан тўлиб улгурди. Энг ачи-



нарлиси, бундай ҳолатларни илм зиёси бўлган мактаб даргоҳларидаги парталарда, стол-стулларда ҳам учратамиз. Ахир, бу юртимизда илм олиш учун яратилаётган имкониятларни сунистеъмом қилиш эмасми? Шунини билиб ҳам бу каби ҳолатлардан воз кечолмаямиз.

Чиroyли, оппоқ қилиб таъмирланган кўчадаги деворларни эртасига келиб қарасангиз «T+M=севги»лар ёки узундан-узун битилган сеvgи номалари билан лиммо-лим бўлади.

Айрим тенгдошларимиз ўзларини бундай «ёзувчи» қилиб кўрсатиш ўрнига бирор фойдалироқ иш билан машғул бўлишса, яхши бўларди. Ёки улар ўзлари яшаётган уйлар деворини ҳам шундай «безаб» ташлашганмикан? Ота-оналари шунга йўл кўярмикан.

Муҳаммадсодик ТўРАЕВ

ЖАВОҲИР



Шавкат
РАҲМОН

Дунё ҳали норасо, ҳали ўртамизда чопар айрилиқ, чақирамиз бир-биримизни, оғзимизни ёпар айрилиқ.

Нафрат яшар дунёда, ҳали ёзилгандай қайси китобда
Муҳаббатнинг асрини кутиб,
ўтирибмиз икки кутбда...

САВОЛ!

У арқонга
ўхшайди...

Харос Манн ёзган: «У арқонга ўхшайди — биз уни кундан-кунга битта толадан ўриб борамиз ва охир оқибат уни узиш учун бизнинг кучимиз етмай қолади».

Савол:

Арқонга қийсан-
ган нарса нима?

Жавоблар келгуси ҳафтанинг сешанба куни соат 15:00 гача қабул қилинади.

Электрон манзил:

info@od-press.uz

Телефон:

0 (371) 234-91-82

Telegram:

(+99897) 444-80-84

Ўтган сондаги
саволнинг жавоби
қуйидагича:

Кўчманчилар рўзғорида эъзозланган буюм бу — қозон.

Саволга Дилфуза АВАЗОВА ва Салим ҲАМЗАЕВ тўғри жавоб йўллади.

МАСЛАҲАТ

Сувни узоқ қайнатиб ёки қайнатилган сувни яна қайнатиб чой дамлаш жуда зарарли.

ЭЪЛОН

Фуқаро Абдуллаева Дилбар Абдукадировна номига қайд этилган (берилган) Тошкент шаҳар Яққасарой тумани, Ал-Фарғоний кўчаси, 40-уйнинг кадастр ҳужжатлари йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

Тошкент шаҳар Учтепа туман ер тузиш ва давлат кадастри бўлими томонидан 2015 йил 10 декабрда фуқаро Баҳромджонов Хожимурод номидagi хонадонга мерос иши учун берилган №7401 рақамли маълумотнома йўқолгани сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**.

ҲАЁТ

Кулги ва кўз ёши

Бир доно киши кўпчилик олдига жуда кулгили латифа айтибди. Уни эшитганлар қорнини ушлаб қулишибди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, яна ўша латифани айтиб берибди. Аммо икки-уч киши тиржайибди, холос.

Дона ҳалиги латифани учинчи марта айтиб берибди. Ҳеч ким кулмабди. Қайтага бир-иккитасининг энаси қотибди.

Дона киши жилмайиб, шундай дебди:

— Битта кулгили гапга доим қулишни истамайсизлар-а?.. Унда нега битта кайғули нарсани деб қайта-қайта кўзёши тўқасизлар?

Одамлар жим қулишибди.



ПАЗАНДАЛИК

Творогли пирог

Зарур масалликлар (ҳамири учун): 2 стакан ун, ярим стакан шакар, 100 грамм маргарин, 1 чойқошиқ қабартма (разрыхлитель). Творогли начинкаси учун: 400 грамм творог, 1 стакан сметана, 3 та тухум, ярим стакан шакар.

Тайёрланиши: хона ҳароратида юмшаган маргарин шакар билан санчки ёрдамида аралаштирилади. Сўнг қабартма солинган унга қўшилиб, уқаланади ва унли ушоқчалар ҳосил бўлади.

Творог ҳам санчки билан эзилади ҳамда сметана, тухум сариғи ва шакар қўшилади. Барчаси аралаштирилади. Тухум оқи алоҳида идишда миксерда кўпиртирилиб, творогли массага солинади ва яна аралаштирилади.

Листга ҳамирнинг 2/3 қисми сепилади. Устидан творогли масаллик текис ёйилади. Сўнг ҳамирнинг қолгани сепилади.

Пирог 180 даражагача қиздирилган газ печида 25-30 дақиқа давомида пиширилади.



МУАССИСЛАР:

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши
Ўзбекистон Қасаба уюшмалари федерацияси Кенгаши;
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси;
Ўзбекистон ёшлар иттифоқи марказий кенгаши;
«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси;
«Ўзбекистон почтаси» акциядорлик компанияси;
«Магбуот таркатуви» акциядорлик компанияси;
Акциядорлик тижорат «Алоқабанд»; «Оила» илмий-амалий тадқиқот маркази.

Газета таҳририят компьютерида теритри ва саҳифаланди.

Газетада интернет материалларини ҳам фойдаланган.

Газета 2012 йил 20 апрелда Ўзбекистон Магбуот ва аборот агентлигида 0814-рақам билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» нашриёт-маъбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Танзила Норбоева, Қаҳрамон Қуронбоев, Шавкат Жавлонов, Қудратилла Рафиқов, Коммуна Ирисбекова, Дилором Тошмухамедова, Ином Мажидов, Элмира Боситхонова, Мизроб Бўронов, Муродулло Холмухамедов, Муҳаммадҷон Қуроно

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, 100000. Амр Темур 1-тор кўчаси, 2-уй.
Тел/факс: 234-83-45. E-mail: info@od-press.uz

Навбатчи — Д. Тиллаева
Саҳифаловчи — Х. Файзуллаев

Бу юртимга: т-237 ISSN 2181-6190 Обун индекси — 193

Азали: 3015 нуска. Нархи: келинув асосида.

Қоғоз бичими А-3, ҳаҷми 2 босма табоқ.

Объект устулда босилган.

Чоп этишга тоширилди: 19:00

OILA
DAVRASIDA
Ilmoly-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

«Оила даврасида» газетаси таҳририяти масъулияти чекланган жамияти

Бош муҳаррир
Ҳусниддин БЕРДИЕВ



1234 6